

## Фарзанд ота-онанинг ҳаққини адо эта олмайди



06:03 / 21.08.2024 2904

Ота-она болага энг кўп яхшилик қилган кишилар бўлади. Одатда, одамлар ўзига яхшилик қилган ҳар бир одамнинг яхшилигига яраша яхшилик қайтаришга ҳаракат қилишади. Иложи бўлса, яхшиликни кўпроқ қилиш пайдан бўлишади.

Фарзанд ҳам ота-онанинг яхшилигини қайтаришга ҳаракат қилади. Аммо у уларнинг яхшилигини тўлиқ қайтариши мумкинми?

لَاقَ : لَاقَ ةَ رِيْرُهُ يَبَا نَع  
هُ لَلَا يَلَّصَ هَلَلَا لُوسَر  
دَلَو يَزَجِي آل « : مَلَسَو هِيَلَع  
أَكْ وُلْمَمُ هَدِجِي نَأ آلُ هَدِلَاو  
» هَقْتُعِيَف .

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фарзанд отасини (тўлиқ) мукофотлай олмайди. Фақатгина уни қул ҳолда топиб, озод қилган бўлса, бундан мустасно», дедилар».**

**Шарҳ:** Бола ота-онанинг ҳаққини адо эта олмайди. Уларнинг ҳаққи жуда улуг. Илло, отаси ёки онаси қул ёки чўри бўлиб, бировнинг қўлида юрган бўлса-ю, фарзанди бориб, уларни қулликдан озод қилиб олган бўлса, ҳақларини адо этгандай бўлади, холос. Яъни ота билан онанинг фарзанддаги ҳаққи шунчалик кўп. Қул бўлган одам ўзининг ҳурриятини йўқотган бўлади, тўлақонли одам ўрнида бўлмайди ва уларни озод қилганда ҳақиқий инсонийлик ҳақ-ҳуқуқлари қайтарилади. Отани озод қилиб олсагина, «ҳаққини адо қилдим», «хизматини қилдим», дейдиган даражадаги гап бўлиши мумкин экан.

نَع ، ةَ دُرْبُ يَبَا نَبِ دِيَعَسُ نَع  
رَمُعُ نَبَا نَاك : لَاقَ هِيَبَا  
أَلْجَرِي أَرْف ، تِيَبَلَابُ فُوطِي

لُؤُقَيَّ وَهُوَ هُمُ الْمَاحُ فُوطِي

نَا لِّلذُّمِّ لَأَهْرِيغَبَ أَهْلَ يِّنَا  
رَعْدًا مَلْ أَهْبَ الْكِرْتَرَعْدًا

رَثُكَا يِّنْتَ لَمَحَ أَمَّوْ أَهْلَ مَحَا

أَهْتِي زَجَرَمُعَ نَبَا أَيَّ يِنَارَتَا

مُثَّ، دِحَّوْ رَفَزَ أَلَوْ، أَلْ لَأَق

مَاقَمُ لَأَفْلَخَ يِّلَصَّ مُثَّ، فَاط

لُكَّ نَا أَلَا لَأَقَّ مُثَّ، نِيَّتَ عَكَّر

أُمُّهُ نِيَّبَ أَمُّ رَفَكُتَ نِيَّتَ عَكَّر

وَأَ، أُمُّهُ لُبَقَ أَمَّ: - لَأَقَّ وَأَ -

أَهْوَحَنَّ عَمَلَك

Саъид ибн Абу Бурда отасидан ривоят қилади:

«Ибн Умар Байтуллоҳни тавоф қилиб юриб, бир одамнинг онасини кўтариб олиб тавоф қилдираётганини кўрди. У:

**«Мен онамнинг минган ювош туясиман,**

**Уловлари чарчаса ҳам, чарчамасман.**

**У мени кўп кўтарган, энди мен кўтараман», дер эди.**

**Сўнгра у: «Эй Ибн Умар! Онамнинг ҳаққини адо қилдимми?» деди.**

**«Йўқ! Бир марталик «оҳ»ини ҳам», деди.**

**Кейин у (Ибн Умар) тавоф қилди. Мақомга бориб, икки ракъат намоз ўқиди-да: «Билиб қўйинглар! Ҳар икки ракъат ўзларининг орасидагига каффорот бўлади. Ёки ўзларидан олдингига», деди. Ёхуд шунга ўхшаш калима айтди».**

**Шарҳ:** Бошқа ривоятларда таъкидланишича, онасини кўтариб тавоф қилдириб юрган одам яманлик бўлган.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, ўша даврда юра олмайдиган онани Ямандан Маккага олиб келишнинг ўзи бўлмайди. Уни кўтариб олиб тавоф қилдириш ҳам осон эмас.

Ушбу ривоят қаҳрамони бўлмиш фарзанд ўзича онасини Ямандан олиб келиб, орқасида кўтариб, Байтуллоҳни тавоф қилдириш билан онамнинг ҳаққини адо этдим, деб ўйлаган эди.

У ўз фикрини катта олим, саҳобий Абдуллоҳ ибн Умарга тасдиқлатиб олиш учун у кишига: «Эй Ибн Умар! Онамнинг ҳаққини адо қилдимми?» деб савол берди.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу гапни айлантириб ўтирмай, лўндасини айтиб қўя қолди: «Йўқ! Бир марталик «оҳ»ини ҳам», деди.

Онанинг фарзанд боқиш жараёнидаги бир марта оҳ уриши шунчалар қийматга эга бўлса, бошқа барча хизматларининг қиммати ва қадри, ҳаққи ва ҳурмати қанчалар бўлишини ҳар бир киши ўзи билиб олаверса бўлади.

Онанинг хизматлари ва уларнинг ҳаққи қанча бўлиши ўз-ўзидан маълум. Демак, фарзанд онанинг ҳаққини тўлиқ адо этиши амримаҳол. Шунинг учун хаёлни турли ҳисобларга бурмасдан, она розилиги учун бутун борлиғини ишга солсин.

Бу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Қадимдан мусулмон фарзандлар оналарининг хизматида жон фидо қилишни йўлга қўйганлари.
2. Онанинг фарзанддаги ҳаққи улканлиги.
3. Онанинг фарзанддаги ҳаққи эмизиш орқали собит бўлиши.
4. Ўғил онасини кўтариб олиб тавоф қилдириши яхши иш экани.
5. Икки ракъат тавоф намози ўзидан олдинги баъзи гуноҳларнинг ювилишига сабаб бўлиши.

يَا أَرْمَعَنُ بَانَا: نَسَخُ لَانَعِ  
 الْمَاحِ، تَيْبُ لَابُ فُوطِي الْجَارِ  
 يَنْيَرَتَا: أَهْلُ لُوقِي وَهَو، هُمُ  
 نُبَالِاقَف؟ هُمُ أَيِ كُتَيْزَجِ  
 الْوَهْلِلَاوَالِ، عَكُلُيَا: رَمَعِ  
 .ةِدِحَاوَةً قَلَطِ

Ҳасандан ривоят қилинади:

«Ибн Умар бир одамнинг онасини кўтариб олиб, Байтуллоҳни тавоф қилдириб юрганни кўрди. У: «Она! Нима дейсиз, сизнинг ҳаққингизни адо қилдимми?» дер эди.

Шунда Ибн Умар: «Ҳой, эси паст! Йўқ! Аллоҳга қасамки, бир тўлғоқнинг ҳаққини ҳам», деди.

**Шарҳ:** Бу ҳам аввалги ривоятга ўхшаш ривоят. Фақат бу ривоятда фарзанд саволни онага бермоқда ва жавобни Ибн Умар розияллоҳу анҳу бермоқдалар.

Бундан фарзанд ҳар қанча уринса ҳам, ота-онанинг ҳаққини тўлиқ адо эта олмаслиги маълум бўлади.

**«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.